



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (13.402)

Баҳоси эркин нарҳда

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
раислигида 30 март куни
видеоселектор мажлис бўлиб
ўтди. Унда кўп қаватли уй-
жойларни таъмирлаш, коммунал,
соғлиқни сақлаш соҳалари, ички
ишлар тизимидаги мавжуд
муаммоларни бартараф этиш
масалалари кўриб чиқилди.**

Кўп қаватли уй-жойларни вақтида ва сифатли таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Ҳудудлар раҳбарларининг бу борадаги масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳолига зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Жорий йилнинг 9 февраль куни профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш ва инспекторларни хизмат уйлари, автомобиллар билан таъминлаш бўйича берилган топшириқлар ижроси ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида 5 январь ва 7 февраль кунлари ўтган йиғилишларда соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни бартараф этиш, соҳани янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинган эди.

Ўтган вақт мобайнида бу борада тегишли фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ижросига киришилди. Мажлисда кишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш, шошилинч тез тиббий ёрдам хизматини яхшилаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, поликлиникалар иш вақтини узайтириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур соҳалардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, истиқболда амалга ошириладиган вазифалар юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЎТТИЗИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

**Тошкент шаҳрида 2017 йил 30 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги,
ўттизинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси вакиллари иштирок этди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг мажлиси Хитой Халқ Республикаси раислигида ўтди.

Мажлис якунларига кўра, ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига тақдим этиладиган ШХТ МАТТ Кенгашининг мазкур халқаро тузилманинг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси маъқулланди, 2016 йилда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2016-2018 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва ШХТ МАТТ Кенгашининг аввал қабул қилинган қарорлари ижроси муҳокама қилинди. ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг Тожикистон Республикаси ҳудудидида ўтказилган терроризмга қарши "Ҳамкорлик – 2016" биргаликдаги ўқув машқлари якунларига юқори баҳо берилди.

ШХТнинг экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси лойиҳаси маъқулланди.

2017 йилда ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризмга қарши биргаликдаги ўқув машқлари ва чегара операциялари, ШХТга аъзо ва кузатувчи давлатлар делегациялари иштирокида халқаро

терроризм ҳамда экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган бешинчи илмий-амалий конференцияни ўтказиш бўйича қарорлар қабул қилинди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг экстремистик йўналишдаги диний оқимларнинг бузғунчи фаолияти оқибатида юзага келадиган таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги чора-тадбирлар маъқулланди.

ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди. ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси фаолиятини ташкилий ва кадрлар билан, молиявий таъминлаш, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида ШХТга аъзо давлатлар ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди.

ШХТ МАТТ фаолиятини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун мазкур давлатлар ваколатли органларининг қатор ходимлари ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг мансбдор шахслари рағбатлантирилди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2017 йил сентябрь ойида Хитой Халқ Республикасида ўтказишга келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик ва амалий руҳда ўтди.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЭКСПОРТ ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАШ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИАТ

**"Ўзэкспомарказ"да озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасига
ихтисослашган "WorldFood Uzbekistan – 2017" ва "AgroWorld Uzbekistan – 2017"
халқаро кўргазмалари очилди.**

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, "Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмаси, "Ўзбекизоқовқат-холдинг" холдинг компанияси, "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирларнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Тешаев ва бошқалар мамлакатимиз агросаноати улкан салоҳиятга эга эканини таъкидлади. Фермер ва тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, соҳага замонавий технологияларнинг татбиқ этилаётгани қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажмини ошириш имкониятини кенгайтирмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида ҳам қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнга етакчи давлат қаторида туради. Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган изчил ишлар самарасида 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорларига экспорт қилинаётган. 2016 йили пойтахтимизда ўтказилган Хал-

қаро мева-сабзавот ярмаркасида бу борада кўплаб истиқболли шартномалар имзоланган.

Кўргазмаларда Австрия, АҚШ, Бельгия, Беларусь, Болгария, Буюк Британия, Германия, Дания, Жанубий Корея, Индонезия, Испания, Италия, Латвия, Литва, Нидерландия, Норвегия, Польша, Россия, Словакия, Туркия, Франция, Хитой, Швейцария, Швеция, Қозғистон, Ҳиндистон каби 30 дан ортиқ мамлакатдан 232 компания, шунингдек, қатор давлатларнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасига масъул вазирлик ва идоралари раҳбар ва вакиллари иштирок этмоқда.

Латвия қишлоқ хўжалиги вазири Янис Дуклавс Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишлар қатори қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан қишлоқ хўжалиги соҳасида сертификатлаштириш, таълим бериш ва чорвачилик каби йўналишларда қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириб келмоқдамиз, – дейди Я.Дуклавс. – "WorldFood Uzbekistan" ва "AgroWorld Uzbekistan" кўргазмалари Ўзбекистон тадбиркорлари учун ҳам, Латвия истеъмолчилари учун ҳам жуда фойдали бўлиб, ўзаро манфаатли келишувларга эришиш, янги шартномалар тузиш, мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Ўзбекистоннинг мева-сабзавотлари ҳуштанглиги билан бизга доимо жуда манзур бўлиб келади. Улар Латвияда жуда харидорғир. Айниқса, мамлакатимизда етиштирилаётган хушбўй ва шифобахш лимонларнинг Латвия бозорларида кенг ўрин эгаллашини истаймиз.

(Давоми 2-бетда)

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида
Ўзбекистон билан Россия ишбилармон
доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

САВДОНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Унда мамлакатимиз ҳамда Россия Федерацияси Москва вилоятининг фармацевтика, озиқ-овқат ва агросаноат соҳаларида фаолият юритувчи тадбиркорлари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Назира Дадахонова, Москва вилояти ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш фонди директорининг ўринбосари Олег Кондрашин ва бошқалар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик имкониятлари хусусида сўз юритди.

Форумда Ўзбекистоннинг транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, савдо-саноат, энергетика

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда Х Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасининг ҳудудий тақдими бўлиб ўтди. Ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ўзларининг 200 дан ортиқ инновацион ғоя, ишланма, лойиҳа ва янги ишлаб чиқилган технологиялари билан қатнашди.

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши томонидан "Инновацион технологиялар – кичик ва оилавий бизнесни ривожлантириш учун имкониятлар" мавзусида ўқув-семинари ўтказилди.

● Тошкент вилояти Пискент туманида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида "Китоб акцияси" ўтказилди.

● Урганчда "Биз – ёшлар жиноятчилиikka қаршимиз!" шиори остида ёшлар марафони бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қошидаги ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссияси фаолиятининг 2016 йил якунлари ва жорий йилдаги вазифалари таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● БМТ баёнотида кўра, сўнгги қирқ йил ичида сайёрамиздаги мавжуд ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг деярли эллик фоизи бутунлай йўқ бўлган. Бундай улкан фожеага об-ҳавонинг глобал иссиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, жониворларнинг озикланиш ҳудудининг кескин қисқариши ҳамда браконьерлик сабаб бўлмоқда. Ҳозирда йўқолиб кетиш арафасида турган ҳайвонот оламининг 5600, ўсимлик дунёсининг эса 30 минг тури жаҳон миқёсида муҳофазага олинган.

● АҚШнинг машҳур Макдональдс компанияси ўз мижозларига қулайлик яратиш мақсадида уяли алоқа орқали рақамли буюртмаларни қабул қилишни бошлашини маълум қилди. Жорий йил охирида мазкур компаниянинг АҚШдаги 14 мингта, шунингдек, бошқа давлатлардаги 6 мингта ошхоналарида ушбу янги дастур ҳаётга татбиқ этила бошланади.

● Ҳиндистонлик олимлар газета қоғозига ўралган озиқ-овқат маҳсулоти одамни заҳарлаши мумкин, деган хулосага келишди. Тадқиқотларга кўра, босмаҳонада ишлатиладиган бўёқ таркибидаги заҳарли моддалар ҳатто кичик миқдорда ҳам организмга кирса, ошқозон фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Кўп миқдордагиси эса танани бутунлай заҳарлаб, саратонни келтириб чиқариши мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда)

"WorldFood Uzbekistan" ва "AgroWorld Uzbekistan" кўргазмалари озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча замонавий йўналишларини ўзида муҳассам этган. Унда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ингредиентлар, қишлоқ хўжалиги техникаси, усқуналар ва технологиялар, паррандачилик, чорвачилик, ветеринарияга оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

– Ўзбекистон билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, – дейди Италиянинг "Pietribiasi" компанияси вакили Симоне Пиетрибиа-си. – Мамлакатингиздаги юксак иқтисодий имкониятлар ўзаро алоқаларимизнинг изчил равақ топшида муҳим омил бўлмоқда. Компаниямиз сутни қайта ишлаш усқуналари, техника ва технологияларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Уларни Ўзбекистонга ҳам экспорт қилмоқдамиз. Кўргазмалар Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан, шунингдек, кўплаб мамлакатлардан келган ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли шартномалар тузиш юзасидан самарали музокаралар олиб бориш имконини бермоқда.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларининг маҳсулотлари экспозицияларда кенг ўрин эгаллаган. Салқин ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларнинг қўшимчаларини ишлаб чиқарадиган "Choco Soft", "Arden Food", "Glory Food", "Chococream", "Feendo Ideal", "Mehnat Group" корхоналари шулар жумласидандир. Улар вафли, печенье, шоколад, конфет каби кенг турдаги қандолат маҳсулотларини, ёғ-мой маҳсулотларини намойиш этмоқда. Навоий машинасозлик заводи, "United Food Machinery", "Vinkis", "OSC" каби корхоналар стендларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сақлаш усқуналари тақдим қилинган. "Sahovat Broiler", "Toshkent Parranda", "Sharq Bahodiri", "Cho'ponota Parranda" каби корхоналар парранда гўшти ва туҳум маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

– 2003 йилда ташкил этилган корхонамиз илгор технологиялар асосида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди "Class Food



ЭКСПОРТ ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАШ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИАТ

Servis" масъулияти чекланган жамияти бош директори Файзулла Раҳматуллаев (Тошкент вилояти). – Корхонамиз томонидан тайёрланаётган ўттиздан ортиқ турдаги лаззатли ширинликлар мамлакатимиздаги барча хонадонларга кириб бораётганидан хурсандимиз. Улар МДХ давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Муассасамизда меҳнат қилаётган юзга яқин ишчининг саксон фоизини касб-хўна қоллежларини битирган ёшлар ташкил қилади. Дунёнинг турли давлатларида, шунингдек, мамлакатимизда ўтказиладиган соҳага оид халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиб, ҳамкорларимиз сафини кенгайтирмоқдамиз. Ўзбекистонда бизнес учун яратилган кенг имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, маҳсулотлар турини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва шу орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Халқаро кўргазмаларда Қозоғистоннинг "Фаворит Техно" компанияси қадоқлаш, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари, Россия-

нинг "Невский Кондитер", "Сигма Холдинг" компаниялари ёғ-мой ва қандолат маҳсулотлари, Нидерландиянинг "Dutch Poultry Technology" ҳамда Литваннинг "Kauno Grudai" компаниялари паррандачилик маҳсулотлари ва паррандачиликда қўлланиладиган усқуналарни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, Туркиянинг "Alpler Ziraat Aletleri" компанияси туپроқни қайта ишлаш техникаларини намойиш этмоқда. Шри-Ланка Чой кенгаши экспозицияси ҳам кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортмоқда.

– Компаниямиз чорва моллари ва паррандалар учун мўлжалланган турли хилдаги премикслар ишлаб чиқариш билан шуғулланади, – дейди "Агробал Трейд" компаниялар гуруҳининг паррандачилик бўйича мутахассиси Александр Шевцов (Россия). – Мазкур халқаро кўргазмаларда биринчи марта иштирок этганимизга қарамай, мамлакатимизда маҳсулотларимизнинг кўплаб харидорлари мавжудлигидан, улар билан савдо алоқаларимиз изчил ривожланаётганидан хурсандимиз. Ўзбекистонда бизнес

юритиш учун катта имкониятлар яратилган. Кўргазмалар доирасида мамлакатингиз фирма ва компаниялари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатишни мақсад қилганмиз.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон Республикаси Фермерлари кенгаши кўмагида Фермерлар куни ўтказилади. Унда иштирокчилар Фермерлар билан очиқ мулоқот қилиш, тажриба алмашиш, фермерлиқни ривожлантиришга оид лойиҳалар, соҳага доир янги техника ва технологиялар билан танишиш имконига эга бўлади.

Ушбу кўргазмалар мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари хизматларини халқаро бозорларга тақлиф этиш, хорижий давлатлар ишбилармонлари билан савдо алоқаларини ривожлантириш, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришиш, инвестициялар жалб этиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилади.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ўз самараларини бермоқда.

Тадбиркорларга берилаётган имтиёзларни қўқайтириш, ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш мақсадида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада қўқайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ушбу фармон билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг му-

ҳим устувор йўналиши ва давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқчи муҳофиза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларнинг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига қўнига хилоф равишда аралашганлик ва тўқсинлик қилганлиги, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини асосий тўқтиниб қўйганлиги учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланди ва тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш белгиланган.

Мазкур фармонда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қўнига хилоф равишда аралашганлик соҳасидаги қўниларнинг икроси устидан парламент назоратини қўқайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қўнига хилоф равишларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш белгиланган.

Бундай институтни ташкил этиш республикадаги ҳуқуқчи хос аниқлиқидир. Мазкур институт фаолияти йўлга қўйилиш тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш самардорлигини ошириш, амалдаги қўничилик меъёrlарига тўлиқ риоя этилиши юзасидан ижро интизомини таъминлаштиришда мустақам қарор қилиш хизмат қилади.

Фармонда маъмурий ва жиноят қўничилигини либераллаштиришнинг давом эттирилиши муносабати билан Жиноят, Солиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бир қанча қўниларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар кириштирилиш назарда тутилган.

Х.АТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
Ўта оғир жиноятларни тергов
қилиш бошқармаси
Алоҳида муҳим ишлар
бўйича терговчиси

ГИЁҲВАНДЛИК – ЗАРАРЛИ ИЛЛАТ

Гиёҳвандлик бугунги кундаги ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ачинарлики эса гиёҳвандлик балоси аксарият кишиларнинг бошига етмоқда. Унинг муҳдиш оқибатидан ер юзиде миллионлаб инсон ҳаёт билан эрта видолашиши ҳамда оилалар бузилиб кетиш ҳолатлари кузатишмоқда.

Гиёҳванд модда инсон танасига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, ўзидан кейин қолдирадиган асоратлари қанчалик азобли эканлигини унутмаслик лозим. Бу "оғу"ни танлаган одам энг аввало ўз яқинларидан ажралиб, охири-оқибат уни жарликка улоқтириши мўқаррар. Шундай экан оғоҳ бўлиб, гулдек умрни ҳазон қилмаслик, ўз вақтида кўзни очиб, муҳим.

Ҳеч кимга сир эмаски гиёҳвандлик бутун дунёни ташвишга солаётган иллат ҳисобланади. Айниқса бу иллат домига ёшларнинг тушиб қолиши айланиб бораётган. Инсонга бир марта берилганда ҳаётда тўғри йўлдан адашмаслик, ўз келажаги учун бефарқ бўлмаслик мўқаррар. Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом, маънан баркамол бўлиб ўсишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз турли соҳаларда ютуқларни қўлга киритаётган бир пайтда ҳаётга энгил қарайдиган ҳам айрим ёшларнинг ураб қолаётгани ҳам сир эмас.

Ана шундай йўлни танлаганлар жиноятга жазо муқаррар эканлигини тушуниб етганларида балки бу йўлни танламаган бўлармиди...

Шаҳримиздаги коллежларда таълим олиш ўрнига қин-ғир йўлни танлаган, воёга етмаган Камрон Исмаилов (исм-фамилиялар ўзгаририлган) гиёҳвандлик воситасини сотиш йўли билан қўничилик бўйиқ орттириш мақсадида танишлари Асрор Анваров, Салим Шариповлар билан олдиндан тил бириктириб Олмазор туманидаги "Фаргона" кафеси олдида Зафар Ибрагимовга 1 донга гугурт қутисига жойлаштирилган "марихуана" гиёҳвандлик моддасини 50000 сўмга сотишган.

Яшнобод туманидаги автошохбекат яқинида З.Ибрагимов ҳуқуқчи муҳофиза қилувчи идора ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида текширилганда "марихуана" гиёҳвандлик моддаси борлиги маълум бўлди. Суд-кимёвий экспертизасининг ҳулосасига кўра мазкур ўсимлик модда "марихуана" эканлиги ва оғирлиги 3,07 граммга тенглиги аниқланган.

"Ўрганган қўнғил ўртанса қўймак" деганларидек, К.Исмаиловдан жиний ҳаракатларини давом эттириварида, Но-

қўнуний йўл билан бойликка эга бўлиш унга ёққан кўринди. А.Анваров билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб Салим Шариповга "марихуана" гиёҳвандлик моддасини 80000 сўмга сотишгаётган вақтда ҳуқуқчи муҳофиза қилувчи идора ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Умрининг энг гуллаган пайтини бекорчи нарсаларга сарфлашни маъқул кўрган, осонгина бойлик орттиришни хом ҳаёл қилганлар қилмишларидан пушаймон эканликларини айтиб, суддан энгиллик беришни сўрашган. Лекин ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Сўнги пушаймондан эса фойда йўқ. Суд ушбу жиноят ишнинг ҳар томонлама ҳолис кўриб чиқиб, уларга нисбатан тегишли жазо тайинлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ўсиб келаётган ёшларимиз онгда миллий истиқлол ва ватанпарварлик руҳини қўқайтириш, уларни қўни инсон қилиб воёга етказиш энг муҳим масалалардан бири. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим, келажагимизнинг тараққиёти бугун фарзандларимизга қандай тарбия беришимизга, улар қалбини илиқ ҳис-туйғулар ва яхши орзуларга тўлдира билишимизга боғлиқ. Ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун аввало, оилада ота-она ўз фарзандини тўғри йўлга бошлаши, ҳалол меҳнат қилиш, пухта билим олиш, меҳрибонлик, тўғрисиқлик, аҳиллик, иноқлик, яхши одатлар ва халққа, Ватанга садоқатли бўлиш каби ҳислатларни ўргатиши муҳим.

Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашишнинг барча чоралари қўрилмоқда, қўллаб тадбирлар, йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундай тадбирлар гиёҳвандлик оғир оқибатларга олиб келувчи "оғу" эканлигини инсонлар онига синдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, қинғир иш эртани кечми қош бўлади. Бежизга кексаларимиз "Қўлмиш-қидир-миш", "Билмайин босдим тиконини, тортадирман жабрини" дейишмаган. Нопок йўлни танлаган қимсалар жиноятга жазо муқаррар эканлигини асло унутмаслиги лозим.

Гулҳеҳра ҚУДРАТОВА,
Яшнобод тумани прокурори катта ёрдамчиси

Маҳалланг – ота-онанг

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

Маҳалла – халқимиз тинчлиги ва осоийшталигини таъминловчи, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва хайру саҳоват сингари инсоний фазилатларни ўзида муҳассам этган миллий қадриятларимизни улуғлайдиган қадрдон уйимиздир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Маҳалла институтини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон маҳалла институтининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириб, аҳолининг чин маънодаги таянчи ва суянчига айланиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг келгуси тараққиёт босқичларини бошлаб бергани билан аҳамиятга эга.

Ўзбекистон давлат ҳақон тиллари университетиде Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Учтепа тумани кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Ташкилий йиғилишда Тошкент шаҳар мувофиқлаштирувчи Кенгаш аъзоси, Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хўна таълими бошқармаси бошлиғи Фаррух Иноят, туман ҳокими Жавдатхон Иноғомов, шунингдек, молия, ички ишлар, меҳнат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, "Қамолот" ёшлар ихтимой ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитасининг туман тузилмалари раҳбарлари ва бошқа давлат, нодавлат ташкилотларининг вакиллари, ҳудуддаги фуқаролар йиғинларининг раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Учтепа тумани кенгашини тузиш ва аъзоларини тасдиқлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши Намунавий низоми муҳокама қилинди. Шунингдек, туман кенгаши ижро аппаратининг тузилмаси, яъни туман кенгашининг раиси, биринчи ўринбосари, раиснинг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари, диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари, Кенгаш котиби тасдиқланди. Шу билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши таъсис конференциясида иштирок этиш учун ҳудуддаги мавжуд фуқаролар йиғинлари номидан ишончли вакил иштирок этиши маъқулланди.

Президентимизнинг "Маҳалла институтини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш, ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, аҳолининг ақлий-маънавий ҳаёт-ламлигини, кекса аъло вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида, шунингдек, фуқароларда қўнига ҳурмат ҳиссини қўқайтириш каби бир қанча йўналишларда маҳалларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш кўзда тутилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учрайдиган ҳаётий масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратилган билан аҳамиятлидир, – дейди "Истироҳат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Насибулло Рафқов. – Муҳокама қилинган масалалар маҳалла тизимининг ривожланиши учун зарур. Қўлаверса аҳолига энг яқин тузилма саналмиш фуқаролар йиғинларининг фаолиятини янада кенгайтириш борасида давлатимиз раҳбарининг Фармони фаолларга янада кўпроқ имконият ва шароит яратиб бераётган.

Давлатимиз раҳбари халқимиз билан сайловолди учрашувларида ҳам, Президентлик вазифасини бажаришга киришгандаги йиғилишларда ҳам кексаларга эътибор масаласига жиддий аҳамият қаратдилар, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Учтепа туман кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланган Ғамбарди Исоқов. – Жумладан, "Нуроний" жамғармаси фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Республика ва ҳудудий кенгашлар, маҳалларда кексалар ва фахрийлар билан ишлаш бўйича ўринбосар лавозимлари жорий этилиши ҳам ана шу гамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Очигини айтиш керак, кексаларнинг, нуронийларнинг катта ҳаётий тажрибига эга. Уларнинг босиб ўтган йўллари ҳар биримиз учун ўрнак. Шу боис маҳалла ишида уларнинг иштироки, фаоллиги жуда зарур. Мазкур янги лавозим бу борадаги ишларни янада жонлантириш, жонқур инсонларни маҳалла фаолиятида, ривожиде фаолликка қорлаш ҳамда уларга муносоиб ахтиром кўрсатишда кенг имконият ва ваколат беради. Албатта, бу катта масъулият ҳамда ишонч ҳамдир.

Конференцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши ташкилий йиғилишида иштирок этиш учун делегатлар ҳам сайланди.

Зиёда РАСУЛОВА

САВДОНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Мазкур учрашув ўзаро талаб ва тақлифларни ўрганиш, қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш имконини берди, – деди О.Кондрашин. – Ўзбекистоннинг автомобилсозлик, кимё, қишлоқ хўжалиги, сут, гўшт ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби соҳалардаги корхона ва компаниялари фаолияти билан яқиндан танишиш, ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

– Компаниямиз 180 турдаги дори воситаларини ишлаб чиқаради ва МДХ давлатларига етказиб беради, – деди ЎЗА мухбирига "Канонфарма продакшн" компаниясининг экспорт бўйича менежери Н.Крюкова. – Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Анжуманда Ўзбекистон билан Россия ишбилармонлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, савдоларни онлайн режимида амалга оширишни йўлга қўйиш, ишбилармон доираларнинг икки мамлакат кўргазма ва ярмаркаларидаги иштирокини таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда талабгор бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шу кунини Савдо-саноат палатасида Россиянинг Липецк вилояти ишбилармонлари билан ҳам учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари ўртасида кооперация биржаси ташкил этилди.

Сеҳара АЛИХОНОВА

Қ. АБДУЛЛАЕВ,
"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори



ХАФТАЛИК

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Олий қадрият".
07.20 "Ватанпарвар".
08.00 "Тахлилнома".
08.40 Миллий сериал: "Опасингиллар".
09.20 Анонс.
09.35 "Агроолам".
09.55 1. "Наурил", 2. "Чинсан".
10.25 Анонс.
10.40 "Мулоқот ва манфаат".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Одил суд".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
13.45 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Худоят сари".
14.45 Анонс.
14.55 "Нигох".
15.20 "Муъжизалар макони".
15.50 Анонс.
16.00 "Билгидон". Интеллектуал таллов.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Опасингиллар".
17.50 "Сухбатдош".
18.10 Анонс.
18.20 "Имконият".
18.40 "Хадис дунё". Т/с.
19.25, 20.00, 20.50 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.05 "Бизнес-старт".
20.30 "Менинг боғим".
21.00 "Ахборот".
22.30 00.10 "Қўл бўйидаги уй". Б/ф.
00.10 "Сухбатдош".
00.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
01.00 "Ахборот" /рус./.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Пари моми". Б/ф.
03.40 "Қандақорлар". Х/ф.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
05.10 "Менинг боғим".
05.30 - 05.55 "Бизнес-старт".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Давр".
07.30 "Қизлар мактаби".
08.00 "Халоват кўчаси". Т/с.
09.30 "Зуффия издошлари".
09.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Виннету". Т/с.
11.50 "Нукта назар".
12.30 "Юрт келажиги".
12.50 "ЎзЕХ".
13.00 "Давр".
13.10 "Муъжизавий дунё".
14.10 "Уч салтанат". Б/ф.
15.50 "Табаррук аяна".
16.00 "Давр".
16.10 "Гўмбаз остида". Т/с.
17.40 "Солбиқ ҳаёт".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "ЎзЕХ".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир қадам". Т/с.
20.40 "Эъзоз ва эхтиром".
21.10 "Афсона ва ҳақиқат".

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Табаррук аяна". Ток-шоу.
07.40 "Имконият".
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Опасингиллар".
09.20 "Хаёт тилсими".
09.35 Анонс.
09.45 "Кўнгли ободлиги".
10.15 "Одидин ҳаёт". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Зиё даргалари".
11.40 "Лойиҳадан натижага".
11.50 "ЎзЕХ".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўчбурчак". Ток-шоу.
13.50 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Сухбатдош".
14.35 "Ўстурлоб".
14.55 Анонс.
15.10 "Муносабат". Ток-шоу.
16.00 "Текзор хабарлар".
16.10 "Қўнглининг бирида".
16.30 "Ахборот" /инглиз тилида/.
16.40 "Заркент". Х/ф.
16.50 Анонс.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Опасингиллар".
17.50 Анонс.
18.00 2017 йил - Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили. "Олий қадрият".
18.20 "Корачик".
18.40 "Хадис дунё". Т/с.
19.25, 20.00, 20.50 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.05 "Нигох".
20.25 "Агроолам".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муъжизалар макони".
22.10 - 23.40 "Гамбит". Б/ф.
23.40 "Олий қадрият".
00.00 Анонс.
00.15 "Хаёт тилсими".
00.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
01.00 "Ахборот" /рус./.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Ватанпарвар".
03.10 "Одидин ҳаёт". Ток-шоу.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
05.10 "Ўстурлоб".
05.30 - 05.55 "Зиё даргалари".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Давр".
07.30 "Эъзоз ва эхтиром".
08.00 "Халоват кўчаси". Т/с.
09.30 "Ёшлар боғи".
09.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр".
10.10 "Виннету". Т/с.
11.50 "Биз қимизми?".
12.10 "Юрт келажиги".
12.50 "ЎзЕХ".
13.00 "Давр".
13.10 "Муъжизавий дунё".
14.10 "Қўнгли тош". Б/ф.
15.30 "Ақдоллар ёди".
16.00 "Давр".
16.10 "Гўмбаз остида". Т/с.
17.30 "Сўз ёшларга".

22.00 "Давр".
22.30 "Шохона ташриф". Б/ф.
